


## Хушхабар: Наманганда GRAND TA'LIM филиали очилди



11:04 / 22.02.2021 3574

Жорий йилнинг 20 февраль куни GRAND TA'LIM муассасасининг Наманган вилоятида филиали очилди.

Image not found or type unknown



Очилиш маросимига бир қатор ҳурматли меҳмонлар, устозлар таклиф этилди.


Image not found or type unknown



Наманганлик мухтарам устоз Мулла Умархон домла Юсуфхон ўғли сўз олиб, ушбу маскан халқимизга узоқ йиллар хизмат қиладиган таълим даргоҳларидан бўлишига тилак билдириб, хайрли дуолар қилдилар.


Тадбирга Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси масъул ходими Муҳаммад Аюбхон домла, «Hilol-nashr» матбаа нашриёти ва Islom.uz портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Содик ҳамда азиз меҳмонлар ташриф буюришди.

Image not found or type unknown




Миср Араб республикасида ташриф буюрган ушбу таълим муассасасининг араб тили устози Аҳмад Салмон сўзга чиқиб, илм маскани очилиш муносабати билан ўзининг самимий тилакларини билдириб ўтди.

Image not found or type unknown



Тадбирни GRAND TA'LIM директори Музаффар Саттиев яқунлаб, барча меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

Image not found or type unknown




Пойтахтимиз ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган GRAND TA'LIMнинг филиаллари айна дамда юзлаб юртдошларимизга керакли билим ва кўникмаларни улашиб келмоқда. Наманган филиалининг очилиши GRAND TA'LIMнинг вилоятлардаги навбатдаги учинчи филиали бўлди. Бундан аввал Самарқанд ва Андижонда ушбу таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлаган.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



2008 йилда ўзининг илк қадамларини қўйган таълим муассасаси шукрим, бугунга келиб юртимизда хорижий тилларни ўрганишга қизиққан минглаб илм тоилблари учун севимли билим даргоҳларидан бўлиб улгурди.

**«Бу Аллоҳнинг фазлидир (ва уни) хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир».** (Жума сураси, 4-оят).

Буюк режаларни амалга ошириш йўлида иш бошлаётган билим маскани юртимизда фойдали илм тарқатишда ҳисса қўшувчи, фарзандларимизни билимли, салоҳиятли ва етук инсонлар бўлиб камолга етишларида хизмат қилувчи масканлардан бўлишини Аллоҳ таоло насиб этсин.

Image not found or type unknown

